



ОИЛА ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Усмонов Восид Мухаммадиевич

Юристлар малакасини ошириш маркази

“Хусусий ҳуқуқий фанлар” кафедраси ўқитувчиси
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, (PhD).

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6793241>

АННОТАЦИЯ. Мақолада оила ҳуқуқи, оиланинг муқаддаслиги, уни муҳофазасини таъминлаш масалалари ҳақида сўз боради. Хусусан бу йўналишда оила кодексининг тутган ўрни, оилани ҳимоялаш усуслари ва талаблари ҳамда бу йўналишдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жараёнлари хусусида баён этилган. Шунингдек, мақолада оила йўналишдаги жаҳон тажрибаси, бола ҳуқуқи ҳимоясининг асослари ҳамда Ўзбекистон қонунчилиги нормалари ва амалиёти ҳақида баён этилган. Зеро, оила масалалари ва оила ҳуқуқини таъминлаш, ушбу соҳани ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу билан бирга, оиланинг энг муҳим жиҳати ундаги қадриятларни бузилмаслиги билан характерланиши, яъни оиланинг ишончлилиги ва оила аъзоларини ўртасидаги муносабатлар самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутишлиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, оила ҳуқуқи, инсофли аёл, инсофли эр, хотин-қизлар ва эркаклар, тазийқ ва зўравонлик, бола ҳуқуқлари, ҳуқуқий ҳимоя, уят, андиша.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқини Конституция қабул қилинганининг 29 йиллиги билан табриклади ва ўз табрикларида Конституцияга киритиш таклиф этилаётган ўзгартиришларни санаб ўтди:

- илгари амал қилиб келган «давлат — жамият — инсон» тамойилини «инсон — жамият — давлат» деб ўзгартириш, уни миллий қонунчилик ва ҳуқуқий амалиётда мустаҳкамлаш;
- иқтисодий ислоҳотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш;



- «Жамият — ислоҳотлар ташаббускори» деган эзгу ғоя доирасида Асосий қонунда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш;
- Бош қомусда оила институтини ривожлантириш, эзгу инсоний қадриятларни келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш бўйича конституциявий асосларни белгилаш;
- ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар соҳасидаги давлат сиёсати, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини конституциявий даражада акс эттириш;
- «Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат» тамоилини конституциявий қоида сифатида муҳрлаш;
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституцияда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлар, кекса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш масалаларини акс эттириш;
- Конституцияга экологияга оид маҳсус боблар киритиш. «Ўзбекистон Конституциясида ҳам ушбу долзарб масалага доир ҳуқуқий нормалар устувор ўрин эгаллаши керак»¹.

Мамлакатимизда ўтган 6 йил мобайнида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, бозор ислоҳотларини, шу жумладан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга кенг йўл очиб берадиган қонунчилик базасини мустаҳкамлашда борасида ўта муҳим ва амалий ишлар амалга оширилди.

Оилани қўллаб-қувватлашга доир ишлар сўнгги йиллар мамлакатимизда мукаммал даражада амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан қабул қилинган қарор ва фармонлар оилаларни қўллаб-қувватлашда етакчи рол ўйнамоқда. Оила борки тарихдан,

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2021/12/07/constitution/>



энг эъзозланадиган, энг қадрланадиган ва жамиятнинг бир бўғини сифатида қараб келинган. Оила тўғрисида қарашлар бундан юз йиллар илгари ҳам муқаддас саналган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “**Оила кодекси**” (1998 йил 30 апрель), Президентимиз томонидан қабул қилинган “**Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги² (2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-561-сон), “**Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида**”ги³ (2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-562-сон) қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида**”ги Фармони (2020 йил 22 июнь, ПФ-6012-сон) қабул килиниши билан мамлакатимизда оиласа, оиласа таълим-тарбия олаётган ёш авлоднинг тақдирига, унинг ички ва ташқи дунёсига, комил инсон бўлиб ривожланишида ижобий таъсир этмоқда.

Хозирда 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Оила кодекси” замон талабларидан келиб чиқиб анча эскирганлиги, унинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, судлар томонидан қарорлар қабул қилишда бугунги оиласарда, ёшларда, жамоатчиликда салбий фикр уйғотмоқда. Бир қарашда бу қарорлар қонунчилик томонидан тўғри талқин қилинган булсада, амалиёт кўзи билан қараганда, судларга, судьяларга нисбатан жамоатчилик томонидан салбий фикр туғилмоқда. Қонун талабидан келиб чикадиган қараганда судя қарорни тўғри қабул қиласи. Жамоатчилик кўзи билан қараганда бу одатдаги хато сифатида қабул қилинади. Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг кўп қисми ҳам оиласар, судларнинг хатти-ҳаракатига нисбатан норозилик кайфиятида бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси бундан йигирма тўрт йил муқаддам тўғри қабул қилинган бўлиши мумкин, аммо ҳозирда замоннинг тез ва юқори суратларда ўсишини ҳисобга олсан, ушбу кодекс – бу қонунлар жамланмаси анча оқсан қолганини кўришимиз мумкин.

²(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/561/3680-сон)

³(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон)



Масалан: Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, бола таъминотини яхшилаш, мустаҳкамлаш мақсадида фарзанд туғилиши билан унинг номига банкда ҳисоб-рақам очиш амалиёти қўлланилмайди. Ана шундай амалиётни биз жаҳон тажрибасида кўришимиз мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида”, “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”, “Валюта тўғрисида”ги ва “Банк сири тўғрисида”ги қонунларига янги “Бола ҳуқуқларининг банк томонидан кафолатланиши” деб номланган бобни қабул қилиш мақсадгага мувофиқ бўлар эди.

2. Бола тарбияси масаласида собық эр-хотиннинг манфаатлари икки хил томонга қараб кетмоқда. Аёл бу тарбия масаласида қўпроқ устунликка эга бўлмоқда.

3. Агар тарихга назар соладиган бўлсак, жумладан, шарқда – Япония, Корея, Хитой давлатларида оиласа жуда қаттиқ муносабатда бўлишган. Уларда ҳозир ҳам шундай анъаналар сақланиб қолган. Уларда ажрашиш масаласига фожиа сифатига қаралган. Биз фожиа ясамаслик учун никоҳ тузишдан олдин томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан тўлиқ тушунчалар бериш (адвокат маслаҳати, юрист маслаҳати, ФХДЁ органи маслаҳати, жамоатчилик маслаҳати, ва ҳк.) керак бўлади. Шунингдек, бунда никоҳни икки тизимга, яъни давлат томонидан тузиладиган никоҳ ва мустақил шахс томонидан тузиладиган тизимга ажратиш мақсадгага мувофиқ бўлади.

4. Биринчи турмуш билан иккинчи турмуш масаласига ойдинлик киритиш керак. Иккинчи турмуш биринчи турмушга қараганда анча енгиллаштиришни назарда тутувчи бандларни киритиш лозим бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси бундан 24 йил аввал қабул қилинган бўлиб, ўтган йиллар оила кодексига янгиликлар киритиш талаб этади. Жумладан, ушбу кодексга **“Инсофли эр ёки хотин”** деб номланган янги бобни киритиш керак деб ҳисоблайман. Инсофли эр ва инсофли хотин тушунчаси уларнинг бир турмушда бир неча йиллар давомида аҳил ва иноқ яшаб, ўзаро келишиб яшаган даври тушунилиши назарда тутилади.

Бу ибора биз шарқ халқларида оиласа муносабатда инсофли бўлиш, оилада тарбия масаласида аёл ва эркакнинг инсоф билан муносабатда бўлишлиги, эр ва хотиннинг бир-бирига муносабатларда ўзаро инсофли бўлиши, эр ва хотин оилавий муносабатлар дин-у диёнатли бўлишини, фарзанд бор хонадонда эр ва хотин бир-бирларига ҳурмат-эҳтиром



били муносабатда бўлишлиги ва бир қатор бошқа муносабатларда ўртада инсоф билан мумомалада бўлишга ундаиди. Инсофли эр ёки хотин терминини кодексга киритишни таклиф қиласман.

6. Англия ҳуқуқ тизимиға назар солсақ, инглизларда энг узун никоҳ 15 йилдан ортиқ узоқ никоҳ, агар 5 йилдан қисқа вакт давомидаги никоҳ – қисқа никоҳ ҳисобланади. Инглиз суд тизими энг қадамий ҳуқуқ тизимиға эга бўлган давлат сифатида намоён бўлган. Бизда бирон бир қонунчиликда узоқ вақт ёки қисқа вақт тушунчаси ишлатилмайди⁴.

7. Никоҳ тузишда шартномаларни ролини ошириш керак бўлади. Бизда шартномлардан кўра “уят, андиша” каби сифатларга кўпроқ эътибор берилади ва охир оқибатда бунинг натижаси салбий натижалар келиб чиқади.

8. Сўнггида эса, оила кодекси оила муносабатларини тартибга солсада, бироқ эҳтиётсиз шартлар асосида меҳнат ҳуқуқи билан айрим ҳолларда туташади. Бунда Меҳнат кодекси тартиб-таомилида бундай нормалар кўзда тутилмаган бўлсада, лекин ушбу муносабатлар бевосита оилали бўлгач таъсир қиласми. Бунда эр томон бир қанча салбий ҳолатларга дуч келади. Бу эса охир -оқибатда никоҳни бекор қилишгacha бўлган ҳолатни келтириб чиқаради. Никоҳ муносабатлари бекор бўлиши статистикаси қарайдиган бўлсак, шу келтириб ўтилган сабаларни ҳам учратишим мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида шундай деган эдилар: “Оила институтини, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш, оиласида зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш⁵.

Дунё мамлакатлари ичida бугун кунда Ўзбекистоннинг обру-эътибори ошиб бормоқда экан ушбу ҳолатда қонунларни қайта куриб чикиш, уларни жаҳон ҳамжамияти микёсида

⁴<https://ru.wikipedia.org/wiki/>

⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги **Фармони** (2020 йил 22 июнь, пф-6012-сон)



урганиш, улар билан қиёслаш, тенглаштириш (бирхиллаштириш) талаб этади. Албатт, жаҳон ҳамжамияти билан бирга ўз миллий урф-одатларимиздан четга чиқмаган ҳолда қонунларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ булади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 95-96 моддаларига “Инсофли эр ёки хотин” моддаларини киритиш керак деб ҳисоблаймиз. Бунда суд томонидан қарорлар қабул қилишда никоҳдан кейин инсофли эр ёки инсофли хотин масаласига ойдинлик киритишда жуда аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси **XIV боби “Оила” деб номланиб, 63-модда** “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”, деб кўрсатиб ўтилган.

Конституциямизнинг 30 йиллиги арафасида ва бугунги ўзгаришлар жараёнида ушбу модданинг иккинчи қисмига ўзгартириш киритишни таклиф этаман, яъни: **“Ўзбекистонда никоҳ қуриш – никоҳ ёшига етган эркак ва аёлнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига, келажакда уларнинг қонун талабларига риоя қилишига асосланади”**.

Бундай таклиф келажакда оила қурмоқчи бўлган эркак ва аёлнинг оиласи бўлган, Ватанга бўлган, энг асосийси, қонунга бўлган ҳиссини уйғотади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси (1998 йил 30 апрель)
<https://lex.uz/docs/104720>
- 2.“Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-561-сон) қонун <https://lex.uz/docs/4494709>
3. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги (2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-562-сон) қонун <https://lex.uz/docs/4494849>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони (2020 йил 22 июнь, ПФ-6012-сон) <https://lex.uz/docs/4872355>



5. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида”ги қонун

<https://lex.uz/docs/4590452>

6.Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун

<https://lex.uz/docs/4581969>

7.Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонун

<https://lex.uz/docs/4562834>

8.Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги қонун

<https://lex.uz/docs/41760>

Интернет манбалар:

<https://www.gazeta.uz/uz/2021/12/07/constitution/>

<https://ru.wikipedia.org/wiki/>